XALQ DEPUTATLARI JALAQUDUQ TUMAN KENGASHI

QAROR

Jalaquduq shahri

2022 - yil 4 - fevral VI-32-18-1-21-K/22 Jalaquduq tumani hokimligi

Жалақудуқ туманида 2022 йил учун юридик ва жисмоний шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун базавий солиқ ставкаларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сонли Фармони, халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг “2022 йил учун юридик ва жисмоний шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун базавий солиқ ставкаларини белгилаш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 24-моддаларига асосан халқ депутатлари Жалақудуқ туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сон Фармонига кўра, 2021 йил 1 январдан бошлаб:

вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан белгиланадиган солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғи ставкасига

0,5 дан 2,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда ер солиғи ставкаларини белгилаш;

туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуқи берилганлиги;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2021 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ 2022 йил учун:

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи Жалақудуқ туманида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкаси 1 гектар учун мутлақ ўлчамда 35 млн сўм;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (бундан деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар мустасно) Жалақудуқ туманида базавий солиқ ставкаси 1 кв.м. учун мутлақ ўлчамда 320 сўм миқдорида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3.Жалақудуқ туманининг ҳудудларини иқтисодий ривожланганлик даражасига қараб, солиқ юкини келгуси йилда кескин ортиб кетишини олдини олиш мақсадида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг қарорида белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан юридик шахслар учун 1-иловага мувофиқ, жисмоний шахслар учун 2-иловага мувофиқ камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар белгилансин.

4.Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Тўланов) туман молия бўлими (Т.Шокаримов) туман давлат солиқ инпекцияси (А.Мамасолиев) билан биргаликда 1- ва 2-иловаларга мувофиқ солиқ ставкаларини солиқ тўловчиларга белгиланган муддатларда етказилишини, солиқ солиш

тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

5. Ушбу Кенгаш қарори қабул қилиниши муносабати билан халқ депутатлари Жалақудуқ туман Кенгашининг 2021 йил 17 декабрдаги VI-31-30-1-21-K/21-сонли ҳамда 2021 йил 18 декабрдаги VI-31-34-1-21-K/21-сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6.Туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Мамасолиев) ер солиғи бўйича тасдиқланган солиқ ставкаларини 1 январга қадар барча солиқ тўловчиларга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали етказилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ўз вақтида бюджетга ундирилишини назоратга олиб бориш;

тегишли бюджетнинг ижро этилиши жараёнида унга тушумларни кўпайтириш бўйича қўшимча захираларни аниқлаш;

ер солиғининг солиқ базасини ошириш, яъни хатлов ишларини самарали ташкил этиб бориш топширилсин.

7. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (З.Хушназаров) зиммасига юклатилсин.

Tuman Kengashi raisi **Х. Латипов**

Халқ депутатлари Жалақудуқ
туман Кенгашининг
2022 йил 4 февралдаги
VI-32-18-1-21-K/22-сон қарорига
1-илова

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/р	Ҳудуд номи	1 гектар учун базавий солиқ ставкаси	Коэффициент (0,7 дан 3 гача)	1 гектар учун солиқ ставкаси (минг сўм)
1	Абдуллабий МФЙ	35000	0,71	24 850,00
2	Ибрат МФЙ	35000	0,71	24 850,00
3	Қаламбек МФЙ	35000	0,70	24 500,00
4	Охунбобоев МФЙ	35000	0,70	24 500,00
5	Дўстлик МФЙ	35000	0,71	24 850,00
6	Кўтарма МФЙ	35000	0,70	24 500,00
7	Бештол МФЙ	35000	0,73	25 550,00
8	Хамза МФЙ	35000	0,73	25 550,00
9	Гулистон МФЙ бешт	35000	0,73	25 550,00
10	Қуштепа МФЙ	35000	0,73	25 550,00
11	Жалакудук МФЙ	35000	0,73	25 550,00
12	Ўрғи МФЙ	35000	0,72	25 200,00
13	Қорағул МФЙ	35000	0,72	25 200,00
14	Янгисор МФЙ	35000	0,73	25 550,00
15	Бўстон МФЙ	35000	0,72	25 200,00
16	Дўнгқишлоқ МФЙ	35000	0,72	25 200,00
17	Ёрқишлоқ МФЙ	35000	0,73	25 550,00
18	Ғалаба МФЙ	35000	0,73	25 550,00
19	Қашқар МФЙ	35000	0,71	24 850,00
20	Қутлуқ МФЙ	35000	0,71	24 850,00
21	Тошховуз МФЙ	35000	0,73	25 550,00
22	Янгикўрпа МФЙ	35000	0,71	24 850,00
23	Бешкарам МФЙ	35000	0,73	25 550,00
24	Кесак МФЙ	35000	0,73	25 550,00
25	Ғозичек МФЙ	35000	0,73	25 550,00
26	Шархончеки МФЙ	35000	0,73	25 550,00
27	Хасанқовоқ МФЙ	35000	0,73	25 550,00
28	Тошлоқ МФЙ	35000	0,72	25 200,00
29	Делварзин МФЙ	35000	0,71	24 850,00
30	Кўкалам МФЙ	35000	0,72	25 200,00
31	Ўзбекистон МФЙ	35000	0,72	25 200,00
32	Иттифоқ МФЙ ойим	35000	0,72	25 200,00
33	А.Рахмонов МФЙ	35000	0,71	24 850,00
34	Олмазор МФЙ	35000	0,71	24 850,00

35	Бузрукхонтўра МФЙ	35000	0,71	24 850,00
36	Дехқонобод МФЙ	35000	0,70	24 500,00
37	Қўртқи МФЙ	35000	0,70	24 500,00
38	Узункўча МФЙ	35000	0,70	24 500,00
39	Хақиқат МФЙ	35000	0,70	24 500,00
40	Ғайрат МФЙ	35000	0,71	24 850,00
41	Осуда хаёт МФЙ	35000	0,70	24 500,00
42	Қиличмозор МФЙ	35000	0,72	25 200,00
43	Ақча МФЙ	35000	0,71	24 850,00
44	Каттаполвон МФЙ	35000	0,72	25 200,00
45	Достонобод МФЙ	35000	0,73	25 550,00
46	Капа МФЙ	35000	0,71	24 850,00
47	Маданият МФЙ	35000	0,71	24 850,00
48	Қораёнток МФЙ	35000	0,71	24 850,00
49	Хамзаобод МФЙ	35000	0,71	24 850,00
50	Тўрачеки МФЙ	35000	0,70	24 500,00
51	Иттифоқ МФЙ юж	35000	0,70	24 500,00
52	Бирлашган МФЙ	35000	0,70	24 500,00
53	Навоий МФЙ юж	35000	0,70	24 500,00
54	Намуна МФЙ	35000	0,72	25 200,00
55	Бозорбоши МФЙ	35000	0,72	25 200,00
56	Сўфқишлоқ МФЙ	35000	0,72	25 200,00
57	Ўроқчи тепа МФЙ	35000	0,71	24 850,00
58	Янгичек МФЙ	35000	0,72	25 200,00
59	Навоий МФЙ шах	35000	0,72	25 200,00
60	Бойчеки МФЙ	35000	0,73	25 550,00
61	Қадақсин МФЙ	35000	0,73	25 550,00
62	Туялас МФЙ	35000	0,73	25 550,00
63	Гулистон МФЙ шах	35000	0,73	25 550,00

Халқ депутатлари Жалақудуқ
туман Кенгашининг
2022 йил 4 февралдаги
VI-32-18-1-21-K/22-сон қарорига
2-илова

Жисмоний шахслар бўйича (дехқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўжалланган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар

Т/р	Ҳудуд номи	1 кв.м учун базавий солиқ ставкаси	Коэффициент (0,7 дан 3 гача)	1 кв.м учун солиқ ставкаси (сўмда)
1	Абдуллабий МФЙ	320	0,71	227,20
2	Ибрат МФЙ	320	0,71	227,20
3	Қаламбек МФЙ	320	0,70	224,00
4	Охунбобоев МФЙ	320	0,70	224,00
5	Дўстлик МФЙ	320	0,71	227,20
6	Кўтарма МФЙ	320	0,70	224,00
7	Бештол МФЙ	320	0,73	233,60
8	Хамза МФЙ	320	0,73	233,60
9	Гулистон МФЙ бешт	320	0,73	233,60
10	Қуштепа МФЙ	320	0,73	233,60
11	Жалакудук МФЙ	320	0,73	233,60
12	Ўрғи МФЙ	320	0,72	230,40
13	Қорағул МФЙ	320	0,72	230,40
14	Янгисор МФЙ	320	0,73	233,60
15	Бўстон МФЙ	320	0,72	230,40
16	Дўнгқишлоқ МФЙ	320	0,72	230,40
17	Ёрқишлоқ МФЙ	320	0,73	233,60
18	Ғалаба МФЙ	320	0,73	233,60
19	Қашқар МФЙ	320	0,71	227,20
20	Қутлуқ МФЙ	320	0,71	227,20
21	Тошховуз МФЙ	320	0,73	233,60
22	Янгикўрпа МФЙ	320	0,71	227,20
23	Бешкарам МФЙ	320	0,73	233,60
24	Кесак МФЙ	320	0,73	233,60
25	Ғозичек МФЙ	320	0,73	233,60
26	Шархончеки МФЙ	320	0,73	233,60
27	Хасанқовоқ МФЙ	320	0,73	233,60
28	Тошлоқ МФЙ	320	0,72	230,40
29	Делварзин МФЙ	320	0,71	227,20
30	Кўкалам МФЙ	320	0,72	230,40
31	Ўзбекистон МФЙ	320	0,72	230,40
32	Иттифоқ МФЙ ойим	320	0,72	230,40
33	А.Рахмонов МФЙ	320	0,71	227,20

34	Олмазор МФЙ	320	0,71	227,20
35	Бузрукхонтўра МФЙ	320	0,71	227,20
36	Дехқонобод МФЙ	320	0,70	224,00
37	Қўртқи МФЙ	320	0,70	224,00
38	Узункўча МФЙ	320	0,70	224,00
39	Хақиқат МФЙ	320	0,70	224,00
40	Ғайрат МФЙ	320	0,71	227,20
41	Осуда хаёт МФЙ	320	0,70	224,00
42	Қиличмозор МФЙ	320	0,72	230,40
43	Акча МФЙ	320	0,71	227,20
44	Каттаполвон МФЙ	320	0,72	230,40
45	Достонобод МФЙ	320	0,73	233,60
46	Капа МФЙ	320	0,71	227,20
47	Маданият МФЙ	320	0,71	227,20
48	Қораёнток МФЙ	320	0,71	227,20
49	Хамзаобод МФЙ	320	0,71	227,20
50	Тўрачеки МФЙ	320	0,70	224,00
51	Иттифоқ МФЙ юж	320	0,70	224,00
52	Бирлашган МФЙ	320	0,70	224,00
53	Навоий МФЙ юж	320	0,70	224,00
54	Намуна МФЙ	320	0,72	230,40
55	Бозорбоши МФЙ	320	0,72	230,40
56	Сўфқишлоқ МФЙ	320	0,72	230,40
57	Ўроқчи тепа МФЙ	320	0,71	227,20
58	Янгичек МФЙ	320	0,72	230,40
59	Навоий МФЙ шах	320	0,72	230,40
60	Бойчеки МФЙ	320	0,73	233,60
61	Қадақсин МФЙ	320	0,73	233,60
62	Туялас МФЙ	320	0,73	233,60
63	Гулистон МФЙ шах	320	0,73	233,60